

ИМОМ БУХОРИЙ ХАЛҚАРО
ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ



«САҲИҲИ БУХОРИЙ»
ҲАДИСЛАРИГА

**ХАЛҚЧИЛ
ШАРҲЛАР**



1-ЖИЛД

САМАРҚАНД – 2023

Ҳ. Абиёв, М. Исмоилов, Р. Элмуродов, М. Амонов.
«Саҳиҳи Бухорий» ҳадисларига халқчил шарҳлар (1-жилд)
[Матн]: рисола. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро илмий-
тадқиқот маркази, 2023. – 40 бет.

УЎК 28-25
КБК 86.38г

Ушбу рисола Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810-870) раҳматуллоҳи алайҳ қаламига мансуб «Саҳиҳи Бухорий» китобида келтирилган айрим ҳадисларга халқчил шарҳлар келтирилган. Ҳадисларни шарҳлашда мотуридий ақидаси, ханафий мазҳабига асосланилган.

Китоб олимлар, мутахассислар, тадқиқотчилар ва кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

*Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг
2023 йил 26 октябрдаги 03-07/7948-рақамли хулосаси асосида
нашрга тайёрланди.*



КИРИШ

Муҳаддислар султони, буюк ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (810-870) раҳматуллоҳи алайҳнинг «Саҳиҳи Бухорий» номи билан шуҳрат қозонган асари аҳли сунна ва жамоа уламоларининг иттифоқи билан Қуръондан кейинги энг саҳиҳ китоб сифатида эътироф қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида: «Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман. Ана шундай буюк аллома-лардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган «Саҳиҳи Бухорий»нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган», деди.

Ислом динининг бирламчи ва асосий манбалари бўлмиш ояти карималар ва ҳадиси шарифлар тафсири ва шарҳлари – инсоннинг характери, маълумот берувчи шахс, гуруҳ, фирқа, сулола, мазҳаб ва мамлакатлар, шунингдек, сиёсий кучларнинг манфаати йўлида турлича талқин қилиниши мумкин.



Масалан, соф исломий тушунчалар бўлмиш имон, куфр, жиҳод, ҳижрат, шаҳидлик, халифалик, имомат, тақфир ва катта гуноҳлар тўғрисидаги ҳадислар турли даврларда, манбаларда қатор муаллифлар томонидан турлича талқин қилинмоқда. Ўз даврида яратилган ёзма манбалар, тафсир ва шарҳларда, алломалар қандай баён этганини ўрганиш ҳар даврдагидан кўра долзарб бўлиб турибди.

Ҳадиси шарифларни, хусусан, саҳиҳ ҳадисларнинг энг яхши тўплами бўлмиш «Саҳиҳи Бухорий»даги маълумотларни фикҳий мазҳаблар, ақидавий таълимотлар, фирқа ва гуруҳлар қандай талқин қилганини ўрганиш ҳам жуда долзарб вазифадир. Бугунги шароитда ҳадисларнинг ҳукми ва асл мазмунини манбалар асосида холис ва адолатли равишда билиб олишимиз мумкин ва бу жуда ҳам зарур. Чунки «Саҳиҳи Бухорий» таржималарини тушуна олмаган омма халқ орасида, хусусан, ёш авлод ўртасида ҳар хил баҳс-мунозаралар ва тортишувлар юзага келаётгани сир эмас. Саҳиҳ ҳадислар орасида суннатга айланмаганлари, ҳукми бекор (мансух) бўлганлари, бирор тоифа ёки шахсгагина хослаб айтилганлари, шу саҳиҳ ҳадиснинг муқобили бўлган бошқа саҳиҳ ҳадис мавжудлиги, қайсидир саҳиҳ ҳадиснинг маъно-мазмунда эҳтимолли жиҳатлар кўп эканлиги каби ҳолатлар борки, уларни оммага, хусусан, ёш авлодга тўғри етказиб бериш зарур. Ана



шундай сабабларга кўра, ўзи саҳиҳ ҳадис саналса-да, аҳли сунна ва жамоанинг тўрт мазҳаби ҳам олмаган ва уммати муҳаммадия амалга оширмай келганлари ҳам учраши, аксинча, зоҳиран қараганда, ўзи заиф сифатида баҳоланган ҳадис бўлса-да, лекин тўрт мазҳаб олган ва уммати муҳаммадия мақбул санаб, амал қилиб келаётганлари ҳам бўлиши мумкин. Халқимиз орасида соф исломий ақида ва амалларга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат, аجدодлар закосига эҳтиром, ота-боболар мазҳабида мустаҳкамлик, динда ғулувга кетмаслик, мутаассибликдан холи бағрикенгликда яшаш хислатлари устувор бўлмоғи лозим. Акс ҳолда, мазкур ҳолатларни инобатга олмай туриб, «Саҳиҳи Бухорий»ни ҳам, ундан бошқа ҳадис тўпламларини ҳам тўлиқ тушуниш қийин.

Қуйида «Саҳиҳи Бухорий» китобида келтирилган айрим ҳадисларга халқчил шарҳлар келтирилган.



АМАЛЛАР НИЯТГА БОҒЛИҚДИР

“Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Амаллар фақат ниятларга кўрадир. Ҳар кимга ният қилганигина бўлади. Кимнинг ҳижрати дунё учун бўлса, унга эришади, кимнинг ҳижрати аёл учун бўлса, унга уйланади, демак, унинг ҳижрати ўша ҳижрат қилган нарсаси учундир», дедилар”.

* * *

Ният – динимиздаги энг муҳим амаллардан бири бўлиб, оддий ишлар ҳам ниятнинг яхшилиги сабабли савобли амалларга айланади ва ниятнинг ёмонлиги туфайли гуноҳ ишлар қаторига киради. Ният қалб амалидир.

Имом Шофеий: “Ният – диннинг ярми”, деган. Сабаби диннинг зоҳири илм, ботини ниятдир. Имом Аҳмад эса: “Бу ҳадис исломнинг учдан биридир”, деган. Имом Абу Довуд эса: “Бу ҳадис исломнинг мадори бўлган ҳадислардандир”, деган. Шунинг ўзиёқ динимизда ниятга катта аҳамият берилишини кўрсатиб турибди.

Ушбу ҳадисга кўра, киши ҳар бир катта ёки кичик ишни яхши ният билан бажарса, савоб олади. Масалан, ейиш, ичиш каби мувоҳ амаллар ибодат



ва касбу корга қувват бўлиш ниятида бажарилса, ибодатга айланиб, эвазига ажр олинади. Аммо фақат қорнини тўйдириш учун еб-ичилса, савоб бўлмайди.

Масалан, киши ризқ ахтариб кўчага чиқишдан олдин “Аллоҳ таоло аҳли оилам нафақасини зиммамга фарз қилган, шуни адо этиш учун Ўзидан ёрдам сўраб, ишга чиқяпман, агар Аллоҳ муваффақ қилса, оилам олдидаги шариат юклаган вазифани бажараман”, деб яхши ният қилса, унинг ҳар бир қадами ва олган ҳар бир нафаси ибодатга айланади.

Кишининг масжидда ўтиришдан мақсади намозни кутиш бўлса, ўтиргани учун савоб олади. Дам олиш ниятида ўтирса, ҳордиқ чиқариши мумкин, лекин савоб олмайди. Уйқу олдидан “ухлаб тетиклашиб олсам, Аллоҳга ибодат қиламан, оиламни боқиш учун касб-кор қиламан”, деб ният қилса, бу ҳам ибодатга, савобли амалга айланади. Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: **“Ким тунда туриб намоз ўқимокни ният қилиб, тўшагига ётса, аммо уйқу зўрлик қилиб бомдодда уйғонса, у кишига ният қилган амалининг савоби ёзилади ва уйқуси унга Аллоҳ таолонинг садақаси ҳисобланади”**.

Ҳадисларда **“Мўминнинг нияти амалидан яхшидир”**, **“Мўминнинг нияти амалидан етук-роқдир”** деган ривоятлар келган. Ният амалдан яхшилигининг сабабларидан бири у инсоннинг



имконияти билан боғлиқ эмаслигидадир. Чунки, инсон бирор яхшиликка имкони бўлмаган ҳолда ўша ишни ният қилса, унинг шу нияти учун савоб берилаверади. Лекин амал ундай эмас. Масалан, фақир киши қул озод қилишни, муҳтожларга ёрдам беришни ният қилса, унга савоб берилаверади. Амал эса имконга боғлиқ тоатдир.

Ривоятларда келтирилишича, Бани Исроилдан бир киши катта қумтепа ёнидан ўтар экан, хаёлидан “агар шу қумлар егулик бўлганида эди, уларнинг барини фақирларга улашардим” деган ўй кечди. Аллоҳ таоло ўша давр пайғамбарига “фалончига у кўрган қумтепадаги қумларнинг ададича таом тарқатган савоби берилди”, деб ваҳий қилди.

Абулқосим Қушайрий бундай нақл қилади: “Зубайда вафотидан кейин баъзилар уни тушида кўрди. Зубайдага Аллоҳ эҳсон қилган эди. Уни кўрганлар сўради: “Эй Зубайда, бу мартабалар яхши амалларинг учунми?” Зубайда: “Ҳайҳот, менга амалларимнинг фойдаси етарли бўлмади. Менга яхши ниятларим қўл келди”, деди.

Амалларнинг тўғри бўлиши ниятга боғлиқдир. Масалан, намоз, рўза каби ибодатлар тўғри бўлиши учун ният фарз ҳисобланади. Ният амалларнинг савобини кўпайтиришга хизмат қилади. Ният мўминнинг қалбида бўлади. Қалб эса, маърифат маконидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи



васалламнинг **“Аллоҳ сурат ва амалларингизга эмас, балки қалбингизга боқадӣ”, “Жасадда бир музға (лаҳта қон) бор. У салоҳият топса, жасаднинг бошқа қисми ҳам салоҳиятли бўлади, фасод бўлса, жасаднинг бошқа аъзолари ҳам фасод бўлади”** мазмунидаги ҳадислари ҳам қалбнинг энг шарафли жой эканига ишора қилади. Бундай жойдан чиққан нарса бошқалардан азизроқ бўлганидек, ният ҳам бошқа аъзолар билан қилинган амаллардан яхшироқдир. Умуман олганда, ният ботиний амал бўлиб, зоҳирӣ амаллардан афзалдир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Албатта, Аллоҳ таоло яхшилик ва ёмонликларни ёзиб, уларни баён қилди. Ким бир яхшиликни қасд қилса-ю амалга ошира олмаса, Аллоҳ таоло Ўз ҳузурида унга комил бир яхшилик қилди, деб ёзади. Агар қасд қилиб, бажарса, Аллоҳ таоло унга яхши амали учун ўнтадан етти юз баробар ва ундан ҳам зиёдагача ажр беради. Агар бирор ёмонликни қасд қилса-ю уни амалга ошира олмаса, Аллоҳ таоло Ўз ҳузурида унга комил бир яхшилик қилди, деб ёзади. Агар ёмонликни қасд қилсаю, бажарса, Аллоҳ таоло унга битта ёмонлик ёзади”**, дедилар.

Бундан кўринадики, бирор амални бажаришда ният бўлмаса, унга савоб ёзилмаслиги мумкин. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга



амалларни ихлос билан қилишни буюрдилар.

Аллоҳнинг розилигини ният қилмас эканмиз, вожиб, суннат ёки мустаҳаб даражасидаги исталган солиҳ амал бизга ажр-савоб келтирмайди. Биринчи ўринда амалдан Аллоҳнинг розилигини мақсад қилиш керак. Шунда амаллар бардавом бўлади.

Бирор ишдан Аллоҳ таолонинг ризоси кўзланса, савобга эришилади. Акс ҳолда, савоб йўқ. Демак, бу ҳадис амалга савоб тегиши ё тегмаслиги борасида экан. Ҳадис мазмунига эътибор билан қаралса, ана шу маъно англашилади.

ВАҲИЙНИНГ КЕЛИШИ

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Гоҳида кўнғироқнинг жаранги каби келади, шуниси энг оғиридир. Сўнг арийди, мен эса айтилганларни сингдириб олган бўламан. Гоҳида фаришта менга инсон қиёфасида кўриниб гапиради, шунда айтаётганини сингдириб оламан»**, дедилар».

Оиша розияллоҳу анҳо айтдилар: «Дарҳақиқат, у зотга қаттиқ совуқ кунда ваҳий нозил бўлаётганини, сўнг у зотдан ариганида пешоналаридан тер чиққанини кўрганман».



* * *

Уламолар ваҳийни куйидагича таърифлайди: «Ваҳий Аллоҳ таолонинг бандалари орасидан Ўзи танлаб олган шахсга Ўзи ирода қилган ҳидоятни тез ва махфий равишда билдиришидир».

Бошқача айтганда, Аллоҳ таолонинг Ўз анбиёларидан бирига кўрсатмалар юбориши ваҳийдир. Бу юбориш тезлик билан, бошқалардан махфий равишда бўлгани боис унга «ваҳий» сўзи қўлланган. Ваҳийни, яъни диний кўрсатмаларини набийларга тезлик билан ва бошқалардан махфий равишда юборишнинг бир неча услуби бўлган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳорис розияллоҳу анхунинг саволига жавобан ваҳийнинг қандай келишини – унинг икки кўринишини баён этдилар: кўнғироқ жаранглаши ва фариштанинг инсонқиёфасида келиши. Оишарозияллоҳуанҳонинг мазкур гапи ваҳийнинг шиддатидан далолат беради. Ваҳий кўпинча ана шу икки шаклнинг бирида нозил бўларди. Бироқ у фақат шу икки кўриниш билан чегараланмаган. Бошқача ҳолатларда ҳам тушган.

Бу ўринда тўхталиш лозим бўлган яна бир жиҳат ваҳийнинг оғир ва машаққатли эканидир. Аллоҳ истаганда уни ҳеч қандай машаққат ва оғирликсиз нозил қилган бўлар эди. Ваҳийнинг бу тарзда туширилиши унинг азамати, жалоли, қадри ва даражаси нақадар юқори эканини ифодалайди.



Шунингдек, бу билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мақом-даражаларини юксалтиради. Буни қуйидагича тушуниш мумкин: оддий бир инсон дунёда дини учун қанча кўп машаққат чекиб, қийинчиликларга сабр қилса, охирадаги ажри шунча зиёда бўлади. Демак, афзали коинот Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бу машаққат етадиган бўлса, у зотнинг ажрлари, даражалари ҳам чандон-чандон зиёда бўлиши турган гап. Бундан бошқа ҳикматларини эса Аллоҳ таолонинг Ўзи билади.

ИЛК ВАҲИЙ

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга туша бошлаган илк ваҳийлар солиҳ тушлар эди. У зот бирор туш кўрсалар, тонг ёруғидек бўларди (ўнгидан келмай қолмасди). Сўнгра у зотга холи қолиш маҳбуб қилинди. Ҳиро ғорида якка-ёлғиз ўтириб, бир неча оқшом «таханнус», яъни ибодат қилар эдилар. Бунинг учун егулик ғамлаб олардилар. Сўнг Хадичанинг олдига қайтиб, яна ўшанча (муддат) га егулик ғамлардилар. Ниҳоят, Ҳиро ғорида эканларида, у зотга ҳақ келди. Фаришта келиб: «Ўқи!» деди. «Мен ўқигувчи эмасман», дедилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Шунда мени тутди ва қисиб, қийнаб ҳам қўйди. Кейин



қўйиб юбориб: «Ўқи!» деди. «Мен ўқиғувчи эмасман», дедим. Сўнг мени иккинчи марта тутди ва қисиб, қийнаб ҳам қўйди. Кейин қўйиб юбориб: «Ўқи!» деди. «Мен ўқиғувчи эмасман», дедим. Сўнг мени учинчи марта тутди ва қисди. Кейин қўйиб юбориб: «Яратган Раббинг номи билан ўқи! У инсонни «алақ»дан яратди. Ўқи! Раббинг энг карамлидир», деди».

Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қалблари ларзага тушган ҳолда улар (оятлар) билан қайтиб, Хадича бинти Хувайлид розияллоҳу анҳонинг олдига кирдилар-да: **«Мени ўраб қўйинглар! Мени ўраб қўйинглар!»** дедилар. У зотни кўрқинчлари кетгунча ўраб қўйишди. Кейин у зот Хадичага хабар бериб: **«Ўзимдан хавотирланиб қолдим»**, дедилар. Шунда Хадича: **«Йўқ, Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сизни асло шарманда қилмайди. Чунки сиз силаи раҳм қиласиз, оғирни енгил қиласиз, йўқсилларни қўллайсиз, меҳмонга лутф кўрсатасиз, ҳақ йўлда бошга тушган кулфатларни кетказишга ёрдам берасиз»**, деди. Сўнг Хадича у зот билан амакиваччаси Варақа ибн Навфал ибн Асад ибн Абдулуззонинг олдига бордилар. У жоҳилият даврида насронийликни қабул қилган эди. Инжилдан Аллоҳ хоҳлаганича ибронийча ёзарди. Кейинчалик кўзи ожиз бўлиб қолган, катта ёшли қария эди. Хадича унга: **«Эй амакивачча!**



Биродарингизнинг ўғлига қулоқ солинг!» деди. Варақа у зотга: «Эй биродаримнинг ўгли, нималар кўрдинг?» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрганларини айтиб бердилар. Варақа у зотга: «Бу Аллоҳ Мусога туширган Номусдир¹. Қанийди, қавминг сени ҳайдаб чиқарганида ҳаёт бўлсам! Қанийди, ўшанда навқирон бўлсам!» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Улар мени ҳайдаб чиқаришадими?**» дедилар. «Ҳа, сен олиб келган нарсани келтирган киши борки, унга албатта душманлик қилинган. Ўша кунингга етсам, сенга катта ёрдам бераман», деди. Кўп ўтмай, Варақа вафот этди ва ваҳий бир муддат узилиб қолди».

* * *

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ваҳий келгунича Ҳиро ғорида тоат-ибодат билан машғул бўлдилар. Шундай чоғларнинг бирида чоғларида у зотнинг ҳузурларига фаришта келди ва «Ўқи!» деб буюрди. Шу тариқа Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий кела бошлади.

Энди бу ерда Жаброил алайҳиссалом ваҳийни тўғридан-тўғри етказмай, Расулуллоҳ алайҳиссаломни уч бор сиқиб, қийнаб қўйганига тўхталадиган бўлсак, унинг асл ҳақиқат-ҳикматини Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. «Айнан фалон

¹ Номус – сир соҳиби, яъни Жаброил алайҳиссалом.



мақсадда қисган», дея олмаймиз. У зот алайҳиссалом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни нима учун қисгани, сўнг нима мақсадда қўйиб юборгани ҳақида бирор аниқ гап ёзилмаган. Шунинг учун бу хусусда ишонч билан бирор нарса дейиш мушкул.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олти ой давомида Ҳиро ғорида муайян бир пайтларда Аллоҳ таолонинг розилигини истаб тоат-ибодат қилдилар. Бироқ У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳали-ҳамон инсоният оламида эдилар ва олами кудсадаги нарсаларни қабул қилишга тўла тайёр эмасдилар. Инсоният оламидан олами аълога кўтарилишларига кўмаклашиш учун ана Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қисилиб, кейин қўйиб юборилган бўлсалар, эҳтимол. Аллоҳ билгувчироқдир.

Мана шундай ҳолатда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тасалли бериш шарафи Ҳадича онамизга насиб этди.

Аслида анбиёлар тасалли олувчи эмас, тасалли берувчи зотлар саналади. Шундай экан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдек зотга тасалли бериш Ҳадича онамизнинг даражалари нақадар юксак эканини кўрсатиб қўйди. Аллоҳ таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тасалли топишлари учун Ҳадича онамизнинг қалбига ўша сўзларни илҳом қилиб, тилига жорий этди. Бу оддий гаплар



эмас эди. «Аллоҳга қасамки, У сизни шарманда қилмайди» сўзлари шунчаки гап эмас, балки улкан бир даъводир. Хадича онамиз ўз даъволарига далил ҳам келтирди: «Аллоҳ таолонинг нусратига сабаб бўладиган нарсаларнинг ҳаммаси сизда топилади. Шунинг учун ҳам Аллоҳга қасам ичиб айтаманки, У сизни расво қилмайди».

Эътибор берадиган бўлсак, Хадича онамизнинг бу тасаллисида барча турдаги яхшиликлар жамланган. Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний раҳматуллоҳи алайҳ айтади: «Хадича онамизнинг сўзларида инсонларга кўрсатиш мумкин бўлган яхши муомаланинг барча турлари жам бўлган эди. Инсоннинг бошқаларга яхши муомаласи икки умумий қисмга – қариндош-уруғларга кўрсатиладиган силаи раҳм ва қариндош бўлмаганларга қилинадиган яхшиликка ажралади».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламда иккиси ҳам мавжуд эди. “Албатта, сиз силаи раҳм қиласиз” биринчи қисмга киради. Яъни, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қариндошларга силаи раҳм қилардилар. «Йўқсилга ёрдам берасиз» – яхшиликнинг иккинчи тури.

Хадича онамиз яхши муомаланинг барча турларини баён қилиб ўтдилар. Таъкидлаганидек, бу шунчаки Хадича онамизнинг сўзлари эмас, балки Аллоҳ таолодан қалбга жо қилинган илҳом эди. Бундан кўринадики, Аллоҳ таолонинг нусрати,



таважжуҳини ҳосил қилишда инсоннинг тоат-ибодати, яхши амалларининг ҳам муайян ўрни бор.

Бир киши бошқаларга ёрдам кўрсатишга хайрихоҳ бўлса ёхуд бир банданинг машаққатларини аритса, Аллоҳ таолонинг кўплаб нусратларга ҳақли саналади. Шунинг учун Хадича онамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қасам ичган ҳолда: «Аллоҳ сизни ташлаб қўймайди», деган.

Қолаверса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хадича онамиз қасам ичиб айтган гапга «Менда бу хислатлар йўқ», деган маънода эътироз билдирмасдан, айтганини тасдиқладилар. Шундан кўринадики, бу ишларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг нусратини чорлайдиган амаллар экан.

Бу ҳадис бизга улкан сабоқ беради. Шунинг учун «Саҳиҳи Бухорий»да келтирилган бу ривоят биз учун огоҳлантириш, ғафлатдан уйғотувчи даъват бўлиши даркор.

ИККИНЧИ ВАҲИЙ

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Юриб кетаётган эдим. Бирдан осмондан бир овозни эшитиб нигоҳимни кўтардим. Ҳирода менга ваҳий олиб келган фаришта осмон билан ер ўртасида курсида ўтирар эди. Ундан чўчиб кетдим. Уйга қайтдим ва «мени ўраб қўйинглар,**



мени ўраб қўйинглар», дедим». Шунда Аллоҳ таоло: «Эй (либосларига) бурканиб олган киши (Муҳаммад)! Туринг-да, (инсонларни охиратдан) огоҳлантиринг, Раббингизни улуғланг, либосларингизни покланг, бутлардан йироқ бўлинг»² оятларини нозил қилди. Кейин ваҳий қизиби, пайдарпай келаверди», дедилар».

* * *

Ҳиро ғоридаги ваҳий биринчи бўлса, бу ҳадисда зикр қилингани иккинчисидир. Улар орасидаги вақт қанча бўлгани аниқ эмас. Баъзи ривоятларда бу икки ярим йил чўзилгани айтилса, баъзиларида уч йил бўлгани зикр этилган. Саҳиҳ ривоят унинг уч йил давом этганидир. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ана шу уч йил ичида ошкора даъват қилмаганлар. Илк ваҳийдан уч йил ўтиб, Муддассир сурасининг оятлари нозил бўлган ва ваҳий кетмакет нозил бўла бошлаган.

Ўшанда Жаброил алайҳиссалом Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ўзининг асл яратилган суратида кўринган. Бу ҳолат икки марта рўй берган. Биринчиси исломга даъватнинг илк босқичида рўй берган. Ҳиро ғорида Жаброил Муҳаммад алайҳиссаломга Алақ сурасининг аввалини етказганидан сўнг, орада ваҳий узилиб

² Муддассир сураси, 1-5 оятлар.



қолди. Бир куни Расулуллоҳ алайҳиссалом Абтаҳ деган ерда кетаётганларида, Жаброил алайҳиссалом у зотга Аллоҳ яратган асл суратларида кўринди, олти юзта қанотини ёйиб, вужуди билан уфқни тўсиб турган ҳолда намоён бўлди. Сўнг яқинлашиб, Аллоҳ юборган ваҳийни етказди. Шунда Муҳаммад алайҳиссалом ўзларига ваҳий келтираётган фариштанинг қанчалар улуғлиги, олий қадарлиги, буюклиги ва Аллоҳнинг ҳузуридаги мақомини тўла тушуниб етдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломни асл суратида иккинчи марта меърож кечасида кўрганда. Аллоҳ таоло Нажм сурасида бундай дейди: **«Ва, дарҳақиқат, уни бошқа сафар кўрди... Сидратул мунтаҳо (Интиҳо дарахти) олдида»** (13-14-оятлар).

Шу тариқа Аллоҳ таоло Жаброил алайҳиссалом орқали Ўзининг охирги Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга дин аҳкомларини босқичма-босқич тушира бошлади.

ҚУРЪОННИНГ ҚАЛБГА ЖО ҚИЛИНИШИ

«Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо Аллоҳ таолонинг «(Эй Муҳаммад,) уни тезроқ ёдлайман деб тилингизни қимирлатаверманг» деган сўзлари ҳақида бундай деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи



васаллам (вахийнинг) нозил бўлиш шиддатидан қийналиб, лабларини қимирлатардилар. – Ибн Аббос: «Сизга лабларимни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қимирлатганлари каби қимирлатиб бераман», деди. Саид: «Мен ҳам лабларимни Ибн Аббос қимирлатганини кўрганимдек қимирлатиб бераман», деб лабларини қимирлатди. – Ўшанда Аллоҳ таоло: «(Эй Муҳаммад,) уни тезроқ ёдлайман деб тилингизни қимирлатаверманг. Албатта, уни жамлаш ва ўқиб бериш Бизнинг зиммамиздадир», оятини нозил қилди. Яъни: «Қалбингизга жо қилиб жамлаш, сўнг ўқишингиз», дегани. «Шунинг учун ўқиб берилаётганида кироатга эргашинг» – «унга қулоқ тутинг ва жим эшитиб, зеҳн солинг», дегани. «Кейин уни тушунтириб бериш ҳам Бизнинг зиммамизда»³ – «Сўнг уни ўқишингиз ҳам Бизнинг зиммамизда», дегани.

Шундан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил келса, унга қулоқ солиб турардилар. Жаброил кетгач, у ўқигани каби ўқир эдилар».

* * *

Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръони ваҳий келтирганида,

³ Қиёмат сураси, 16-19 оятлар.



у зот нозил бўлаётган оятларни унутиб қўймаслик учун Жаброил алайҳиссалом билан бирга-бирга лабларини ҳаракатлантириб, уларни қайтарардилар. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламда ваҳийнинг жисмоний машаққатидан ташқари, «унутиб қўймай» деган ташвиш ҳам бор эди. Мана шунинг учун ҳам У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссалом келтирган оятларни ўша вақтнинг ўзидаёқ сўзма-сўз қайтариб турардилар.

Шунда Аллоҳ таоло «(Эй Муҳаммад,) **уни тезрок ёдлайман деб тилингизни қимирлатаверманг**», оятини нозил қилди. Сўнг: «**Кейин уни тушунтириб бериш ҳам Бизнинг зиммамизда**», деди. Яъни, «Шундай экан, унутиб қўйиш хавотири билан тилингизни ҳаракатлантирманг! Зиммангиздаги вазифа Жаброил алайҳиссалом сизга қандай ўқиб бераётганига диққат қилиб туриш, холос», дейилмоқда.

Бундан кўринадикки, Қуръони карим ўқилиш тарзининг ўзи алоҳида бир мақсад экан. Бу ҳам силсила билан келган бир илм саналади. Қуръонни Жаброил алайҳиссалом ўқиб берганидек ўқиш керак. Шунинг учун тажвид – қироат алоҳида бир илм сифатида юзага чиқди. Инсон Қуръонни тўғри ўқиёлмайдиган бўлса, унинг маъносини қандай билади? Фақат тўғри ўқиган одамгина тўғри маънони англай олади.



Эътибор қилинадиган яна бир жиҳат шуки, устоздан дарс олаётган шогирд фикр-хаёлини бўлмасдан, сукут қилиб, диққат билан тинглаши лозим. Дарсинг моҳиятини тўлиқ англаб олганидан кейин уни такрорлаши мақсадга мувофиқдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар йили Рамазонда Жаброил алайҳиссалом олдида Қуръонни такрорлаб олганлари тўғрисидаги ҳадис дарсни такрорлаш лозимлигига ёрқин мисол бўлади.

САХОВАТ – ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларнинг энг жўмарди (сахийси) эдилар. Саховатлари айниқса Рамазонда – Жаброил алайҳиссалом У зот билан учрашганда авжланарди. Улар Рамазоннинг ҳар тунида учрашиб, Қуръонни дарс қилишарди. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яхшиликда майин шамолдан ҳам сахий бўлиб кетардилар».

* * *

У зотга ер юзининг хазиналари, мамлакатларнинг калитлари топширилган, ўлжалар ҳалол қилинган эди. Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Ҳижоз, Яман, Шом ва Ироқнинг бир қисми, Арабистон яриморали фатҳ этилиб, жуда



кўп ғанимат, хирож, закот моллари келтирилган, яқин-йироқдаги подшоҳлар ҳад-ҳисобсиз совғасаломлар юборган эди. Лекин у зот буларни шахсий мулк сифатида ўзлаштирмадилар. Бирортасини ўз эҳтиёжлари учун ишлатмадилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Уҳуд тоғидек тиллам бўлса, ундан Аллоҳ йўлида сарфлаш учун мўлжалланганидан ташқари бир динорни ҳам олиб қолиш мени хушнуд қилмайди», деганлар.

Ҳа, У зот шундай улуғ хайр-саховат эгаси бўлганлар.

«Батаҳқиқ, сизлар учун – Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлганлар учун ва Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулуллоҳда гўзал ўрнатилган бор эди» (Аҳзоб сураси, 21-оят).

Саховат киши обрў-эътиборининг покиза сақланишига, эл орасида яхши ном чиқаришига сабаб бўлади. Бегона дилларни бирлаштиради, биродарлик ришталарини мустаҳкамлайди. Шунингдек, айбу нуқсонларнинг ёпилиб кетишида катта аҳамият касб этади.

Саховат ва олийҳимматлик бошқа хил фазилатлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ ва туташдир. Сахий киши кўп ҳолатларда кўнгилчанлик ва кечиримлиликни лозим тутаяди. Мулойимлик ва ҳалимлик билан зийнатланади. Хушмуомала бўлади. Бировнинг ҳаққига хиёнат қилмайди,



ўзганинг ҳаққини ўз хоҳиши билан чиройли адо этади. Дарҳақиқат, саҳий кишини тавозели ҳолатда топасиз. Унинг ахлоқлари орасига кибр-ҳаво деган нарса суқилиб кирмайди.

Мазкур ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг феъллари баён қилиняпти: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам барча инсонлардан саҳийроқ эдилар. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Лекин бу ерда эътибор бериладиган бир жиҳат мавжуд, яъни «энг саҳий» дегани бошқалардан кўпроқ сарфлайдиганни англатмайди. Инсон саховатининг кўп ёки озлиги қилаётган эҳсонининг миқдори эмас, нисбатига қараб белгиланади.

Масалан, моддий томонлама саховат қиладиган кишига тўхталадиган бўлсак, бунда яхшилик берган пулига эмас, балки мол-давлатининг нисбатига кўра белгиланади. Яъни, бой ва камбағал бир ишга бир хил маблағ сарфласа, саховатда иккаласи тенг бўлиб қолмайди. Молига нисбатан олганда, камбағал киши саховатлироқ ҳисобланади. Худди шундай, бадавлат кишилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан миқдор жиҳатдан зиёда эҳсон қилган бўлиши мумкин. Лекин У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам, қўлларидаги мол-давлатга нисбатан олганда, кишиларнинг энг саховатлиси бўлганлар.

Саховат тушунчаси фақат молни нисор қилиш



билан чекланиб қолмайди, унинг мазмун-моҳияти кенгроқ, шакллари ҳам кўпроқдир. Масалан, қарзни кечиб юбориш, одамларнинг ҳожатларини раво қилиш, яхшиликка чақириш, хушмуомала бўлиш каби эзгу ишларнинг барчаси саховат ҳисобланади.

Ҳадисда иштибоҳ билан **“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яхшиликда майин (қўйиб юборилган) шамолдан ҳам сахий бўлиб кетар эдилар»**, яъни у зотнинг саховатлари тўлиб тошарди, дейилапти. Бу ердаги **«Қўйиб юборилган шамол»** иборасини қуйидагича тушуниш керак: агар шамол тезлик билан эсаётган бўлса, ўз улушини ҳамма ёққа тарқатади, ҳамма бурчакка кириб боради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундан-да саховатлироқ бўлар эдилар. Рамазонда қўлларида турган ва кимгадир бериш мумкин бўлган нарсаларнинг ҳаммасини тарқатиб юборардилар.

Бу ерда эътибор қилинадиган яна бир жиҳат Жаброил алайҳиссаломнинг ҳар йили Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Қуръони каримни дарс қилишидир. Жумҳур уламоларнинг фикрича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам 23 йил давомида Рамазонда Жаброил алайҳиссалом келган чоғлари ўша вақтгача нозил қилинган Қуръонни ўқиб берардилар.

Шу тариқа барча хайр-саховатда Пайғамбари-



мизнинг суннатларига амал қилса, жамият барқарорликка эришади.

РОСТГҶЙЛИК

«Абу Суфён ибн Ҳарб айтадики, Шомда тижорат қиладиган Қурайш карвонида эканида Ҳирақл унга одам юборибди. Бу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Абу Суфён ва қурайшликлар билан сулҳ тузган пайтлари эди. Тижоратчилар унинг олдига келди. Улар Ийлиё шаҳрида турарди. Ҳирақл уларни мажлисга чақирди. Ёнида Рум зодагонлари бор эди. Кейин Ҳирақл уларни чорлаб, таржимонига айтди: «Ўзини набий деб даъво қилаётган анави кишига қай бирингиз насабда яқинроқсиз?». Абу Суфён айтди: «Булар орасида насабда энг яқини менман», дедим». Ҳирақл: «Уни ёнимга келтиринг, ҳамроҳларини яқинроқ олиб келиб, унинг орқасида турғизинг», деди. Сўнг таржимонига: «Уларга айт, албатта, мен бундан бояги киши ҳақида сўрайман. Агар мени алдаса, унинг ёлғонини билдиринг», деди.

Аллоҳга қасамки, мен ҳақимда маломат тарқатиб юборишидан уялмаганимда, у зот ҳақида албатта ёлғон гапирган бўлар эдим.

Унинг мендан биринчи сўрагани «Орангизда унинг насаби қандай?» дегани бўлди. «У орамизда



яхши насаб эгасидир», дедим. «Сиздан бирор киши ундан олдин бундай гапларни ҳеч айтганми?» деди. «Йўқ», дедим. «Унинг ота-боболаридан подшоҳ ўтганми?» деди. «Йўқ», дедим. «Унга одамларнинг обрўлилари эргашяптими ёки ночорларими?» деди. «Йўқ, ночорлари», дедим. «Улар кўпайяптими, озайяптими?» деди. «Йўқ, кўпайяпти», дедим. «Бирортаси унинг динига кирганидан кейин норози бўлиб қайтиб кетяптими?» деди. «Йўқ», дедим. «Гапларини айтишидан олдин уни ёлғон сўзлашда айблар эдингизми?» деди. «Йўқ», дедим. «Хиёнат қиладими?» деди. «Йўқ, биз у билан сулҳ муддатидамиз, бунда нима қилишини билмаймиз», дедим. Бунга шундан бошқа бирор сўз қўшиш имконим бўлмади.

Кейин «Унга қарши жанг қилдингизми?» деб сўради. «Ҳа», дедим. «Жангингиз қандай бўлди?» деди. «У билан орамиздаги уруш сижолдир⁴. Гоҳ у бизни енгади, гоҳ биз уни енгамиз», дедим. «У сизни нималарга буюради?», деди. «Ёлғиз Аллоҳга ибодат қилинг, Унга бирон нарсани шерик қилманг, оталарингиз айтаётган нарсаларни тарк этинг», дейди. Бизни намозга, ростгўйликка, ифбат ва силаи раҳмга буюради», дедим.

Шунда таржимонига деди: «Унга айт: «Сендан

⁴ Сижол – аслида қудукдан бир хил суратда навбатдан сув олишга айтилади. Душман билан жангда гоҳ ютиб, гоҳ ютқазिश шунга ўхшатишган.



унинг насаби ҳақида сўраган эдим, орангизда соҳиби насаб эканини айтдинг. Расуллар ҳам ана шундай – ўз қавмининг насаблиларидан юборилади. «Сиздан бирон киши шундай сўзларни айтганмиди?» деб сўраганимда, «йўқ» дединг. Агар бу сўзни ундан аввал бирортаси айтган бўлса, бу одам ўзидан аввал айтилган гапдан ўрناق оляпти, дер эдим. Сендан «Унинг ота-боболаридан подшоҳ бўлганми?» деб сўраганимда, «йўқ» дединг. Агар ота-боболари орасида подшоҳ бўлганида, отасининг подшоҳлигини талаб қилаётган киши экан, дер эдим. «Сўзлаётган гапларини айтишидан олдин уни ёлғонда айблар эдингизми?» деб сўраганимда, «йўқ» дединг. Биламанки, у одамлар хусусида ёлғон гапирмагач, Аллоҳнинг шаъни борасида ҳам ёлғон гапирмайди. Сендан «Унга одамларнинг обрўлилари эргашяптими ёки ночорларими?» деб сўраганимда, «ночорлари» дединг. Расулларнинг эргашувчилари ўшалардир. Сендан «Улар кўпайяптими, озайяптими?» деб сўраганимда, «Кўпайяпти» дединг. Имон иши шу тариқа камолга етади. «Бирор ким унинг динига кирганидан кейин норози бўлиб қайтиб кетяптими?» деб сўраганимда, «йўқ» дединг. Имон ҳаловати қалбларга йўғрилганда шундай бўлади. Сендан «У хиёнат қиладими?» деб сўраганимда «Йўқ», дединг. Расуллар шундай, хиёнат қилмайди. «У сизни нималарга буюради?» деб сўраганимда,



Аллоҳга ибодат қилиш, Унга бирон нарсани шерик қилмасликни буюришини, бут-санамларга ибодат қилишдан қайтаришини, намоз, ростгўйлик ва иф-фатни амр этишини айтдинг. Шу айтганларинг ҳақ бўлса, демак, у тез орада оёқларим турган мана шу жойни ҳам эгаллайди. Унинг чиқишини аниқ билар эдим, лекин уни сиздан деб ўйламаган эканман. Агар унга ета олганимда, у билан учрашиш учун барча машаққатларни зиммамга олардим. Унинг ҳузурида бўлсам, оёғини ювиб кўяр эдим», деди.

Сўнг у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Дихя (розияллоҳу анҳу) Бусро ҳукмдорига олиб борган мактубларини келтиришни сўради. Уни Ҳирақлга топширдилар. У мактубни ўқиди. Мактубнда бундай дейилган эди:

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳнинг бандаси ва Расули Муҳаммадан Рум улуғи Ҳирақлга. Ҳидоятга эргашганларга салом бўлсин. Аммо баъд:

Мен сени исломга даъват қиламан. Мусулмон бўл, омон қоласан ва Аллоҳ ажрингни икки ҳисса қилиб беради. Юз ўгирсанг, арисийларнинг гуноҳи ҳам сенинг бўйнингдадир.

«(Эй Муҳаммад): «Эй аҳли китоблар, бизга ҳам, сизга ҳам баробар бир сўзга келинг – Аллоҳдан ўзгасига ибодат этмайлик, Унга ҳеч кимни шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб, баъзимиз



баъзимизни парвардигор қилиб олмайлик», деб айтинг. (Эй мўминлар), шунда ҳам юз ўгиришса: «Гувоҳ бўлингларки, бизлар албатта мусулмонлармиз», денглар»⁵.

Абу Суфён айтди: «У айтадиганини айтиб, мактубни ўқиб бўлгач, унинг ҳузурида шовқин кўпайиб, овозлар кўтарилиб кетди ва бизни чиқариб юборишди. Чиқарилганимизда ҳамроҳларимга: «Ибн Абу Кабшанинг иши авж олди-ку, ундан ҳатто Бану Асфарнинг подшоси ҳам кўрқяпти», дедим. Унинг устун келишига ишончим комил бўлиб бораверди, охири Аллоҳ исломни қалбимга жо қилди».

Ибн Нозур деган киши Ийлиё ҳокими бўлиб, Ҳирақлнинг одами, Шом насронийларининг усқуфи (епископи) эди. У айтади: «Ҳирақл Ийлиё (шаҳри) га келган кезлари бир куни кайфияти бузилиб тонг отгирди. Унинг баъзи батриқ (патриарх) лари «Кўринишингиз бошқача-я?!» деди. Ҳирақл юлдузларга қараб хабар айтадиган коҳин эди. «Бу кеча юлдузларга қараганимда хатна қилинадиганлар подшоҳининг пайдо бўлганини кўрдим. Бу умматдан ким хатна қилдиради?» деб сўради у.

«Яҳудийлардан бошқа ҳеч ким хатна қилдирмайди. Уларнинг иши сени зинҳор ташвишга қўймасин. Қўл остингдаги шаҳарларга мактуб ёз, (ҳокимлар)

⁵ Оли Имрон сураси, 64-оят.



ўзларидаги (у ерлардаги) барча яҳудийларни қатл этсин», деди ўша батриқлар.

Шу пайт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида хабар бериш учун Ғассон шоҳи Ҳирақлга юборилган киши келтирилди. Ҳирақл у ҳақда сўраб-суриштиргач: «Боринг, кўринг-чи, у хатна қилинганми, йўқми», деди. Элчи хатна қилинганини айтишди. Ҳирақл ундан араблар ҳақида сўраган эди, «Араблар ҳам хатна қилдиради», деди. Шунда Ҳирақл: «Ўша бу умматнинг подшоҳидир, ҳақиқатан зоҳир бўлибди», деди.

Сўнг Ҳирақл Румиядаги олим дўстига мактуб ёзди. Ҳирақлнинг ўзи Ҳимс томон йўлга чиқди. Ҳимсга етиб бормаи, дўстидан Ҳирақлнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чиқишлари ва у зотнинг ҳақиқатан Набий эканлари ҳақидаги фикрига мувофиқ мактуб келди. Кейин Ҳирақл Рум зодагонларига Ҳимсдаги ўз қароргоҳида (тўпланишга) кўрсатма берди. Сўнг буюрди ва эшиклар қулфланди. Кейин чиқиб: «Эй Рум аҳли! Нажот ва тўғри йўл топишни, мулкингиз барқарор бўлишини истайсизми? Унда шу Набийга байъат қиласиз», деди. Шунда улар ёввойи эшаклардек ўзларини эшикларга урди ва улар қулфлаб қўйилганини кўрди. Ҳирақл уларнинг важоҳатини кўриб, имон келтиришидан умид узгач: «Мен ҳозирги сўзларимни динингизда қанчалар



мустаҳкам эканингизни синаш учун айтдим. Мана, кўрдим», деди. Шунда зодагонлар унга сажда қилди ва ҳукмдорларидан рози бўлди. Ҳирақлнинг охириги аҳволи мана шу бўлди».

* * *

Аслида бу воқеа Ҳудайбия сулҳидан кейин юз берган. Унгача деярли ҳар йили мусулмонлар билан Макка мушриклари ўртасида тўқнашувлар бўлиб турарди. Энг камида жанг бўлиш эҳтимоли бор эди. Икки томон ҳам жангга тайёргарлик кўрар, шу сабабдан маккаликлар орасида узоқ юртларга тижорат сафарлари камайиб кетган эди. Ўн йил уруш қилмасликка келишиб тузилган Ҳудайбия сулҳи икки томонга ҳам бироз тин бериб, уларни хотиржам қилди. Шундан кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз даъватларини атрофга ёя бошладилар. Макка мушриклари ҳам тижорат ишларини ривожлантириш пайида бўлди.

Мана шу жараёнда Абу Суфён Ҳимс шаҳрига тижорат карвони билан келганди. Бу ёқда эса Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам атрофдаги подшоҳларга мактуб йўллаб, динга даъват қила бошладилар. Ўша замонда икки буюк давлат бор эди – бири Кисро ҳукмронлиги остидаги форслар, иккинчиси Қайсар подшоҳлигидаги румликлар. Рум қайсарининг исми Ҳирақл бўлиб, у аҳли китоблардан



– насроний эди.

Қадимги Миср подшоҳлари фиръавн аталганидек, «қайсар» ҳам Рум подшоҳларининг лақаби эди. Бу сўз йиртиш маъносини англатади. Айтишларича, Рум подшоҳларининг қайсидир бири туғилаётган пайтда онаси вафот этиб, қорнида ой-куни етган бола қолган ва ҳомилани қоринни ёриб, чиқариб олишган. Шу бола омон қолди ва вақти келиб подшоҳ бўлди. Тахтга ўтиргач, туғилиш ҳолатидан фахрланиб, “қайсар” сўзини ўзига шараф билан лақаб қилиб олди. Ҳолбуки, асл исми бошқача эди. Румнинг ўшандан кейинги барча подшоҳлари ўзини Қайсар деб атаётган эди.

Иккинчи томонда куч-қувват эгаси Кисро бор эди. У Форс подшоҳи, оташпараст мажусий эди. Форсларда подшоҳларнинг умумий лақаби “кисро” эди. Унинг ҳалокатига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуоибадлари сабаб бўлган. Чунки, ўша шоҳаншоҳ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мактубларини йиртиб, беҳурмат қилган эди. Демак, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам икки подшоҳга ҳам мактуб юборган эканлар.

Ҳирақл ва Абу Суфённинг ўзаро сўзлашувида биз учун ажойиб бир намуна, ўртак бор. Ўша кезлари Абу Суфён ва ҳамроҳлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ашаддий деб душман биларди. Улар Набий алайҳиссаломнинг, саҳобаларнинг



қонига ташна кимсалар эди. Шунга қарамай, Абу Суфён суҳбат асносида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламда бўлмаган сифатларни у зотга нисбатлашни хоҳламади ва ёлғон гапирмади. Аслида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида ёлғон-яшиқ гапларни айтиб, ўзини оқлаш учун ҳамроҳларига «У бизнинг душманамиз. Шу сабабдан подшоҳ хузурида шундай тўқималар айтдим», дейиши мумкин эди. Бу ҳолатда улар ҳам Абу Суфённинг фикрига қўшиларди. Шунга қарамай, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан тухмат ва ёлғон сўзларни гапирмади. Илло охирги гапни қўшиб қўйди. Бироқ у ҳам қатъий эмас, эҳтимолий айблов эди.

Юқоридаги суҳбатда бир мушрикнинг ҳолатига назар солайлик. Абу Суфён ҳали исломни қабул қилмаган, мусулмон бўлмаган эди. Шундай бўлса-да, ўзининг ашаддий душмани деб билган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни таърифлашда ўта эҳтиёткорона йўл тутди.

Биз ўз ҳолимизга назар ташласак, афсуски, бошқа манзарага гувоҳ бўламиз! Ўзгани ёмонлаш, бировларга қарши туриш одатимизга, табиатимизга айланиб улгурган. Ўзимизга душман деб билган кишимизга истаган нарсамизни нисбатлайверамиз. Энг ачинарлиси, шу ишимизни динга хизмат деб ҳам биламиз. Шунини яхши англашимиз керакки,



бу ишнинг оқибати воқидир. Аллоҳ таоло учун бу ишларни тарк қилиш керак.

Абу Суфён Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам даъват этган ибодатлардан фақатгина намозни тилга олди. Ростгўйлик, иффат, силаи раҳм кабиларнинг ҳаммаси ижтимоий муомала саналади. Эътиқод масаласи жумланинг аввалида зикр этиб ўтилган эди. Бундан кўринадики, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам исломнинг аввалидан ибодатлар билан бир қаторда ахлоқ ва ижтимоий одобларни ҳам ислоҳ қилишга катта эътибор қаратганлар.

Ҳозирги кунда бизнинг наздимизда дин – бу намоз, рўза, закот, ҳаждан иборат, холос. Ўзаро яхши алоқаларда яшаш, олди-берди, ахлоқни ислоҳ қилиш каби ишларни дин доирасидан чиқариб юборганмиз.

Юқорида айтганимиздек, Абу Суфён бу ўринда саволга жавобан ибодатлардан фақатгина намозни зикр қилди. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг яхши ишлари сифатида эса қолган амалларни айтиб ўтди. Бундан маълум бўладики, аҳкомларнинг ўзига яраша ўрни бор. Аммо ахлоқ ва ижтимоий алоқалар ҳам исломнинг асосий қисми саналади.



МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Амаллар ниятга боғлиқдир.....	9
Ваҳийнинг келиши.....	10
Илк ваҳий.....	12
Иккинчи ваҳий.....	17
Қуръоннинг қалбга жо қилиниши.....	19
Саховат – олий фазилат.....	22
Ростгўйлик.....	26



ҚАЙДЛАР УЧУН



ҚАЙДЛАР УЧУН



ҚАЙДЛАР УЧУН

Диний-маърифий нашр

**«САҲИҲИ БУХОРИЙ»
ҲАДИСЛАРИГА
ХАЛҚЧИЛ ШАРҲЛАР**

1-жилд

“Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази”
нашриёти – 2023. 40 бет.

МУҲАРРИР:

Анвар Бобоев

САҲИФАЛОВЧИ-ДИЗАЙНЕР:

Муҳаммадиқбол Шукуров

Нашриёт лицензияси: АА № 0010 / 06.05.2019 й.

Босишга рухсат этилди: 30.10.2023 й.

Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 ¹/₁₆

“Times New Roman” гарнитураси. Офсет босма усули.

Босма табағи 2,5. Адади: 150 нусха. Буюртма 30-10.

Баҳоси келишилган нархда.

141306, Самарқанд вилояти Пайариқ тумани,
Хўжа Исмоил шаҳарчаси. Тел.: (0366) 240-20-19.